

## THEORETICAL AND PRACTICAL STATE OF THE PROBLEM OF SENDING STUDENTS TO TRAINING CENTERS FOR OLYMPIC AND PARALYMPIC SPORTS

Jamshid Abdumadjitovich Pulatov

Institute for Retraining and Advanced Training of Specialists in Physical Culture and Sports Head of Department, Associate Professor

### ABSTRACT

This article provides information on the theoretical and practical state of the problem of sending students to training centers for Olympic and Paralympic sports, the psychophysiological approach, the analysis of the questionnaire, cooperation, the problem of self-esteem.

**Keywords:** training centers for Olympic and Paralympic sports, survey analysis, cooperation, succession problem, psychophysiological characteristics.

## ЎҚУВЧИЛАРНИ ОЛИМПИА ВА ПАРАЛИМПИА СПОРТ ТУРЛАРИГА ТАЙЁРЛАШ МАРКАЗЛАРИГА ЙЎНАЛТИРИШ МУАММОСИНИНГ НАЗАРИЙ-АМАЛИЙ ҲОЛАТИ

Жамшид Абдумаджитович Пулатов

Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти кафедра мудири, доцент.

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ўқувчиларни олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларига йўналтириш муаммосининг назария-амалий ҳолати, психофизиологик ёндошуви, анкета суровнома таҳлили, ҳамкорлик, ўзвийлик муаммоси каби маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказ, анкета суровнома таҳлили, ҳамкорлик, ўзвийлик муаммоси, психофизиологик хусусиятлар.

## ТЕОРЕТИКО-ПРАКТИЧЕСКОЕ СОСТОЯНИЕ ПРОБЛЕМЫ НАПРАВЛЕНИЯ УЧАЩИХСЯ В ЦЕНТРЫ ПОДГОТОВКИ К ОЛИМПИЙСКИМ И ПАРАЛИМПИЙСКИМ ВИДАМ СПОРТА

Жамшид Абдумаджитович Пулатов

Институт переподготовки и повышения квалификации специалистов по физической культуре и спорту заведующий кафедры, доцент.

### АННОТАЦИЯ

В данной статье представлена информация о теоретико-практическом состоянии проблемы направления учащихся в центры подготовки к олимпийским и паралимпийским видам спорта, психофизиологическом подходе, анализе анкетирования, сотрудничестве, проблеме самооценки.

**Ключевые слова:** центры подготовки к олимпийским и паралимпийским видам спорта, анализ анкетирования, сотрудничество, проблема приемственности, психофизиологические характеристики.

### ДОЛЗАРБЛИГИ

Бугунги кунда жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш мамлакатимиз исоҳотларида диққат марказида турган муҳим масалалардан биридир. Спорт фаолиятини психологик таҳлил қилиш масалалари ичида ўқувчиларни профессионал таълимга йўналтириш технологияларини такомиллаштиришнинг психологик таъминоти муҳим ўрин тўтади. Аммо ўқувчиларни профессионал таълим яъни олимпия заҳиралари коллежларига йўналтириш технологияларини такомиллаштиришнинг психологик жараёни муаммосини ўрганиш юзасидан олиб борилган тадқиқотларга доир илмий манбалар етарлича эмас. Зеро, жамият олдида турган бундай ижтимоий-иқтисодий вазифалар ечимини топиш масаласи, энг аввало, ўқувчи шахснинг ҳар томонлама соғлом бўлиб шаклланишида муҳим ўрин тутадиган ўқувчиларни профессионал таълимга йўналтириш технологияларини такомиллаштиришнинг психологик таъминотини яратиш зарурияти долзарб масала эканлигини кўрсатмоқда.

Тадқиқот ишимизда спорт мактаблари ҳамда олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларида ўқувчиларни профессионал таълимга йўналтириш ишларидаги ҳамкорликни мавжуд ҳолатини аниқлаш мақсадида биз Республика олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари тренер-ўқитувчилари, Чирчиқ олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари тренер-ўқитувчилари, Самарқанд олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари 100 нафар тренер-ўқитувчиларида анкета сўровномаларини ўтказдик. Анкета сўровномаси 10 та саволдан иборат бўлиб, саволларни кетма-кетлик асосида тузилганлиги амалдаги ҳолатни аниқлашда хизмат қилади.

### ЖУМЛАДАН

1-савол Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказига ўқувчиларни қабул қилиш ва уни амалдаги тартиб қоидалари асосида расмийлаштириш бўйича қайси таълим муассасаларида тушунтириш ишларини амалга ошириб келгансиз?, қандай? деган саволга 100 нафар тингловчидан 30 нафар тингловчилар жавобларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 12- августдаги “Олимпия заҳиралари коллежлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 480-сонли қарори мазмунида келтирилган ўқувчиларни қабул қилиш ва уни амалдаги тартиб қоидалари асосида расмийлаштириш бўйича олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказининг спорт заҳирасини тайёрлаш ва мониторингини юритувчи инструктор-методист, ёшлар етакчиси, психолог, спорт психологлари ҳамкорликда худудга яқин спорт мактаблари билан тарғибот-ташвиқот ишлари орқали амалга оширилиб келинаётганлигини таъкидлашган бўлса 20 нафар тингловчилар жавобларида спорт турлари бўйича Ўзбекистон чемпионати ва кубоги ғолиб ва совриндорлари (1 - 3-ўринлар), Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари аъзолигига ҳамда уларнинг заҳирасига кирган спортчилар томонидан қабул режаси таъминланиб келинишини

келтириб ўтишган. Шунингдек, тингловчидан 50 нафар тингловчилар жавобларида эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 12- августдаги “Олимпия захиралари коллежлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 480-сонли қарори мазмуни бўйича олимпия захиралари коллежида ўқиш истагини билдирган ўқувчилар танлов асосида қабул қилиниши ҳақида фикрлари келтирилган.

**2-савол Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларига болаларни йўналтиришда фаолиятингизда қандай муаммолар кўзатишган?** 60 нафар тингловчилар жавобларида спорт мактабларида натижаларга эга бўлган ўқувчиларини олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказига йўналтириш масаласига доир муаммолар мавжудлиги ҳамда спорт мактаблари тренер-ўқитувчиларини натижага эга бўлган ўқувчи сабаб ойлик маошларига қўшилаётган устамалардан маҳрум бўлишлари каби муаммоларни келтириб ўтишган. Шунингдек, тингловчидан 40 нафар тингловчилар жавобларида ўқувчиларни профессионал таълимга йўналтиришда спорт мактабларида тарғибот ва ташвиқот ишларида интерпацион жараёнлардаги узвийликни таъминлаш зарурлиги баён этилган.

**3-савол Олимпия захиралари коллежида кўпроқ қайси таълим мактабларидан ўқувчиларнинг келиши кўзатилади бўлса сабаб?** деган саволга 100 нафар тингловчидан 30 нафар тингловчилар жавобларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 12- августдаги “Олимпия захиралари коллежлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 480-сонли қарори мазмунида келтирилган ўқувчиларни қабул қилиш ва уни амалдаги тартиб қоидалари асосида расмийлаштириш бўйича олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказининг спорт захирасини тайёрлаш ва мониторингини юритувчи инструктор-методист, ёшлар етакчиси, психолог, спорт психологлари ҳамкорликда худудга яқин спорт мактаблари билан тарғибот-ташвиқот ишлари орқали амалга оширилиб келинаётганлигини таъкидлашган бўлса 20 нафар тингловчилар жавобларида спорт турлари бўйича Ўзбекистон чемпионати ва кубоги ғолиб ва совриндорлари (1 - 3-ўринлар), Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари аъзолигига ҳамда уларнинг захирасига кирган спортчилар томонидан қабул режаси таъминланиб келинишини келтириб ўтишган. Шунингдек, тингловчидан 50 нафар тингловчилар жавобларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 12- августдаги “Олимпия захиралари коллежлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 480-сонли қарори мазмуни бўйича олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказида ўқиш истагини билдирган ўқувчилар танлов асосида қабул қилиниши ҳақида фикрлари келтирилган.

**4-савол Ўқувчиларни олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказига йўналтириш ва қабул қилиш ишларида спорт психологининг фаолиятини қандай баҳолайсиз?** деган саволга 100 нафар тингловчидан 70 нафар тингловчилар жавобларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 12- августдаги “Олимпия захиралари коллежлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 480-сонли қарорида келтирилган намунавий штатлар жадвалида 1 нафар психолог, 3 нафар спорт психологи келтирилганлиги унда фаолият юритаётганларининг аксарияти номутахасис эканлиги ёки педагог-психолог мутахассислигига эгаллигини таъкидлашган. Шунингдек, спортчиларни психологик тайёрлашда албатта уларни “Спорт психологи”

қайта тайёрлаш махсус курсига ўқишлари ва мутахассис сифатида иш фаолиятларини олиб бориш лозимлиги келтирилган. 30 нафар тингловчилар жавобларида ўқувчиларни олимпия захиралари коллежларига йўналтириш ишларида спорт психологлари ҳамкорликда худудга яқин спорт мактабларида қабул жараёнларида ўқувчиларни спортга бўлган қизиқишлари, мотивацияни аниқлаш ва психологик маслаҳат, суҳбатларни ташкил этиб бораётганлиги бўйича фикрлар билдиришган.

**5-савол С порт мактаблари билан узвийликда касб-хунарга йўналтириш тадбирлари ўтказиладими?** деган саволга тингловчиларнинг 40 нафари яқин худудда жойлашган спорт мактабларига бориб олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказининг спорт турлари, йўналишлар бўйича ўқишга қабул қилиш эълонлари ва буклетларини тақдим этишлари, шунингдек, “Очиқ эшиклар куни”, “Маҳорат дарси” каби тадбирларига таклиф қилиб боришларини таъкидлаганлар, 60 нафари эса бу борада етарлича маълумот бера олмаганликлари маълум бўлди. Келтирилган таҳлилда, спорт мактаблари билан узвийликда касб-хунарга йўналтириш тадбирлари тўғрисида етарлича маълумотга эга эмаслар.

**6-савол Спорт мактабларида “Маҳорат дарс”ларини ўтказганмисиз?** деган саволга 100 нафар тингловчидан 30 нафар тингловчилар жавобларида яқин худудда жойлашган спорт мактабларида “Маҳорат дарс”ларини ўтказилганлигини келтириб ўтишган бўлса, 70 нафари эса бу борада етарлича маълумот бера олмаганликлари маълум бўлди.

**7-савол Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказида ўқувчиларни спорт ва спорт турларига йўналтириш ишлари бўйича алоҳида “Профессional таълимга йўналтириш” хонаси ташкил этилганми?** деган саволга 100 нафар тингловчидан 70 нафар тингловчилар жавобларида олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказида ўқувчиларни спорт ва спорт турларига йўналтириш ишлари бўйича алоҳида “Профессional таълимга йўналтириш”, “Маслаҳат” хоналари мавжуд эмаслигини билдирганлар, 30 нафари эса “Ёшлар етакчиси”, “Спорт психологи” хоналарини назарга тутганлар.

**8-савол Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказида спорт мактаб ўқувчиларини спорт ва спорт турларига йўналтириш, қизиқтириш учун “Очиқ эшиклар куни” тадбири ўтказилиб бориладими?** деган саволга 100 нафар тингловчидан 70 нафар тингловчилар жавобларида олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказига спорт мактаб ўқувчиларини спорт ва спорт турларига йўналтириш, қизиқтиришга хизмат қилувчи “Очиқ эшиклар куни” тадбири бўйича маълумотга эга эмасликлари аён бўлди. 30 нафари эса коллежнинг тренер-ўқитувчилари томонидан ўтказилган “Маҳорат дарс”ларини ўтказилганлигини келтириб ўтишган.

**9-савол Ўқувчиларни профессионал таълимга йўналтириш жараёнларини жадаллаштириш учун сизнингча яна қандай усуллар қўл келиши мумкин?** деган саволга 100 нафар тингловчидан 40 нафар тингловчилар жавобларида спорт мактаблари билан ҳамкорликда “Маҳорат дарслари”, “Очиқ эшиклар куни”, “Касб фахрийлари билан учрашув” Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон, Осиё чемпионатлари ва кубоклари, Ўзбекистон Республикаси чемпионатлари ва кубоклари ғолиб ёки совриндори бўлган ўқувчилар билан давра суҳбатларини ташкил этиш мақсадга мувофиқлигини фикрларида баён этганлар. 30 нафар тингловчилар жавобларида эса оммавий ахборот воситаларида

профессионал таълимга ўқувчиларни йўналтириш, олимпия заҳиралари коллежи ва унда спортчилар учун яратилган шарт-шароитлар, имкониятларини тараннум этувчи, касбий ахборот берувчи кўрсатув, эштиришларни салмоғини жадаллаштириш лозимлигини келтириб ўтишган. Шунингдек, 30 нафар тингловчилар жавобларида спорт мактаблари тренер-ўқитувчиларини касбий маҳоратларини ошириш, ўқув машғулотларини ўтказишда илғор хориж тажрибаларига асосланиб, спортда замонавий технологияларни жорий этиш асосида касбий фаолиятни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш каби фикрларни келтиришган.

**10-савол Ўқувчиларни олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказиларига йўналтириш бўйича касбий ахборот берувчи йўриқнома, буклет, эълонлар ишлаб чиқилганми?** 100 нафар тингловчидан 80 нафар тингловчилар жавобларида ўқувчиларни олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказига йўналтириш бўйича касбий ахборот берувчи йўриқнома, буклет, эълонлар ишлаб чиқиш лозимлиги, оммавий ахборот воситаларида жисмоний тарбия ва спорт соҳасида мутахассис кадрларни тайёрлаш ҳамда уларнинг жамиятдаги фаолият турлари, ихтисослик-йўналишлари, касблар таснифлагичлари шунингдек, туризм ва спорт соҳаси давлат сиёсати масаласига айланганлиги, яратилаётган шарт-шароитлар замирида соҳа мутахассисларнинг иштирокига доир кўрсатув, эштиришларни кенг оммага ҳавола этиш лозимлиги таъкидланган. Шунингдек, спорт мактабларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 12- августдаги “Олимпия заҳиралари коллежлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 480-сонли қарорнинг мазмуни ва моҳияти бўйича тренер-ўқитувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ошириш мақсадида спортда интерпэсион жараёни таъминлаш бўйича семинар-тренингларни ташкил этиш лозимлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган.

20 нафар тингловчилар жавобларида спорт мактабларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 12- августдаги “Олимпия заҳиралари коллежлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 480-сонли қарорнинг мазмуни ва моҳияти бўйича учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этиб келинаётганлиги ва мазкур ишларда коллежнинг спорт заҳирасини тайёрлаш ва мониторингини юритувчи инструктор-методист, ёшлар етакчиси маъсул эканлиги ҳақида фикрларда баён этилган. Ўтказилган анкета сўровлари таркибида ўрин олган қўйидаги саволларга билдирган фикрлар ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабларида ва олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларида амалга оширилиши лозим бўлган вазибаларга асос бўлди.

**Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказининг тренер-ўқитувчиларида ўтказилган анкета сўровларига бўлган муносабатлари.**

№	Саволлар	Жавоблар мазмуни					
		Респондент-тингловчилар сони – 100 нафар					
		Ҳа		Йўқ		Қисман	
		Нафар	Фоиз	Нафар	Фоиз	Нафар	Фоиз
1	Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказига ўқувчиларни қабул қилиш ва уни амалдаги тартиб қоидалари асосида расмийлаштириш бўйича қайси таълим	30	30 %	50	50 %		

	муассасаларида тушунтириш ишларини амалга ошириб келгансиз?, қандай?					20	20 %
2	Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази ўқувчиларни йўналтиришда фаолиятингизда муаммолар қўзатиладими?	60	60 %			40	40 %
3	Ўқувчиларни Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказий йўналтириш ва қабул қилиш ишларида спорт психологининг фаолиятини қандай баҳолайсиз?	30	30 %	70	70 %		
4	Спорт мактаблари билан узвийликда касб-хунарга йўналтириш тадбирлари ўтказиладими?			60	60 %	40	40 %
5	Спорт мактабларида “Маҳорат дарс”ларини ўтказганмисиз?	30	30 %	70	70 %		
6	Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказида ўқувчиларни спорт ва спорт турларига йўналтириш ишлари бўйича алоҳида “Профессионал таълимга йўналтириш” хонаси ташкил этилганми?			70	70 %	30	30 %
7	Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказида спорт мактаб ўқувчиларини спорт ва спорт турларига йўналтириш, қизиқтириш учун “Очиқ эшиклар кўни” тадбири ўтказилиб бориладими?			70	70 %	30	30 %
8	Ўқувчиларни Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказига йўналтириш бўйича касбий ахборот берувчи йўриқнома, буклет, эълонлар ишлаб чиқилганми?	20	20 %	80	80 %		

Юқорида келтирилган таҳлиллар ва унинг натижаларидан келиб биз спорт мактаблари ҳамда олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларига қўйидаги вазифалар асосида профессионал таълимга йўналтириш ишларида узвийликни таъминлаш мақсадга мувофиқ деб топдик:

1. Спорт мактабларида ўқувчиларни Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказига йўналтириш бўйича намунавий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;
2. Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларида спорт мактаблари ўқувчиларини профессионал таълимга йўналтириш ишларида илмий услубий-ахборот муҳитини таъминлаш;
3. Спорт мактабларининг ўқув машғулоти босқичи гуруҳлари ўқувчиларини Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларида спорт турига самарали йўналтириш бўйича “Ўқувчиларни профессионал таълимга йўналтириш технологияларини такомиллаштиришнинг психологик таъминоти” бўйича махсус курс дастурини ишлаб чиқиш ва мактаб ихтиёрий соатлари ҳисобига машғулотларини ташкил этиш;
5. Ўқувчиларни профессионал таълимга йўналтириш технологияларини такомиллаштиришнинг психологик таъминоти, спорт ва спорт турларига йўналтириш тадбирларини ўтказиш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;
6. Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларида спорт мактабларининг ўқув-машқ машғулотларини “Маҳорат дарслари” сифатида ташкил этиш ва ўтказиш каби вазифалар белгилаб олинди.

Хулоса қилиб айтганда, спорт мактаблари ҳамда олимпия заҳиралари коллежларида профессионал таълимга йўналтириш технологияларини такомиллаштиришнинг психологик таъминоти, унинг мазмуни, шакл, метод ва воситаларидан самарали фойдаланиш спорт психологи, тренер-ўқитувчилар, ёшлар етакчиси ҳамда спорт захирасини тайёрлаш ва мониторингини юритувчи инструктор-методистларнинг касбий билимларини бойитибгина қолмай, шу билан бирга ўқувчиларни мустақил ҳолда спорт тури ва касб танловига имкон беради

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ҳайитов О.Э. Психодиагностика: Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ “Галаба”, 2007. – 225 б.
2. Ж.А. Пулатов Спорт психологияси [Матн]: Ўқув қўлланма. - Тошкент: “Умид Десигн”, 2021.-158 б.
3. Ж.А. Пулатов Спортчиларни психологик тайёрлаш. [Матн]: Ўқув қўлланма. Тошкент: “Умид Десигн”, 2021. – 135 б
4. Ж.А. Пулатов Касб-ҳунар коллежларининг хатар гуруҳига мансуб ўқувчиларини касбга йўналтириш технологиялари– Т.: Чашма-Принт, 2013.. – 154 б